



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС  
ИНСТИТУТИ**

Иқтисодиёт ва менежмент \_\_\_\_\_ факультети

**Индустриал иқтисодиёт фанидан**

**КУРС ИШИ**

**Мавзу:** Саноат ишлаб чиқариш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш  
имкониятлари (туман, вилоят мисолида)

**ИК-316 гуруҳ талабаси**

**Бажарди: Ш.Джумаев**

**Текширди: З.К.Рахимов**

**Самарқанд – 2019**

## Режа:

<b>Кириш</b> .....	<b>3</b>
<b>1.</b> Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ресурсларнинг ўрни.....	<b>5</b>
<b>2.</b> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётида тўтган ўрни.....	<b>7</b>
<b>3.</b> Саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг стратегияси.....	<b>11</b>
<b>4.</b> “Бархатная бумага” МЧЖда хизмат кўрсатишни инновацион усуллари.....	<b>15</b>
<b>5.</b> Саноат ишлаб чиқаришида чиқиндисиз ишлаб чиқаришнинг иқтисодий аҳамияти ва асосий йўналишлари.....	<b>19</b>
<b>Хулоса ва таклифлар</b> .....	<b>23</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>25</b>

## КИРИШ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз таракқиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирчан га бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.<sup>1</sup>

Ҳозирги кунда республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Маълумки мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши билан бирга ишлаб чиқариш жараёни ва ҳудудда яшаётган инсонлар сонининг ортишига олиб келади, бу эса ўз навбатида мамлакат ҳудудини турли хил чиқиндилардан тозалаш ва уларни қайта ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишни тоқозо этади. Бунинг учун ривожланган мамлакатлар сингари иккиламчи маҳсулотлардан унумли фойдаланиш, инновацион техника ва технологияларни жалб қилиш орқали қайта ишлаб чиқиш жараёнини йўлга қўйиш мамлакатда янги ишчи ўринларини яратади ҳамда ресурсларни тежаш имконини беради.

Ҳар бир мамлакат, корхона, ташкилотларда инновацион жараёнлар ёки инновациялар жорий этилиб, улар иш кучини тежаш, электр энергия сарфланишини камайтириш, инсон олий неъматини бўлган ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақтни камайтириш, техник хавфсизликларни таъминлаш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш каби бошқа афзал томонлари мавжуд.

---

<sup>1</sup> Президент И.А.Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари маърузаси

“Бархатная бумага” МЧЖ корхонаси 2015 йилдан буён ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, бугунги кунда ушбу корхонада турли хил қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш жараёни йўлга қўйилган. Иқтисодиётнинг мунтазам равишда ривожланиб бориши натижасида ва аҳоли сонининг ортиб боришини инобатга олган ҳолда, қоғоз маҳсулотларини қайта ишлаш, уларни тежашни тақозо этади.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат иқтисодиётида алоҳида ўрин тутди. Кўпгина назарий ва амалий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдики, кичик бизнес иқтисодиётда йирик бизнесларга нисбатан кўплаб афзалликларга эга.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда .

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб негизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш, уларга эркинликлар яратиш ҳамда иқтисодиётнинг етакчи кучига айлантиришга қаратилгандир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Бу – хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашдир.

Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, бундай саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳуқуқи бор.

## 1. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ресурсларнинг ўрни

Инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаи табиатнинг ресурслари ва бойликларидир. Улар ... “Ер остида, устида, дарёлари, кўллари, денгиз ва океанлари, ҳайвонат дунёси бағридадир. Сиртдан қараганда, табиий ресурслар битмас-туганмасдек туюлади. Бироқ Ер юзида миллион-миллион йиллар давомида одамлар яшаб, унинг ресурслари ўзлаштирилиб, истеъмол қилиниб келинаётгани, баъзан табиий ресурслар аёвсиз, ваҳшийларча, қайта тикланмай тортиб олинаётгани натижасида камайиб бормоқда, ҳатто баъзи ғоят нодир ресурслар, кўп истеъмол қилинаётганлари йўқолиб кетди ёки йўқолиб бормоқда.

... бизнинг давримизга келиб табиий ресурслар ғоят чекланиб бормоқда. Инсоният бу билан сўзсиз ҳисоблашиши керак, акс ҳолда келажак ҳаётимиз хавф остидадир”<sup>2</sup>.

Жаҳон ҳамжамиятининг бугунги ишлаб чиқариш даражасини ҳисобга олган ҳолда қилинган башоратларга кўра инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлади. Бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий 570, мис 29, рух 23, қалайи 35, кўрғошин 19 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Қолайверса, бугунги кунда ишлаб чиқаришда кўрғошин, қалайи, рух, олтин, кумуш, платина, никел, волфрам, мисдан фойдаланиш муаммосига дуч келинмоқда. Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефт, газ, кўмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас<sup>3</sup>.

Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўллари топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

---

<sup>2</sup> Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослар: Ўқитувчилар учун қўлланма./ (Масъул муҳаррир: А.Сотволдиев). –Т.: Ўқитувчи, 1997, 89 бет.

<sup>3</sup> Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НЦ АПИ, 1998. 61-б.

Иқтисодиёт тушунчасига мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳолати, унинг жойланиши ва динамикаси (ҳаракати) ҳам киради. У мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва даражаси унинг хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, аста-секин бевосита пировард (тайёр) маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва ўз аҳолиси ҳамда чет эл эҳтиёжларини қондиришга ўтила бораётгани билан тавсифланади”<sup>4</sup>.

XXI аср – инновациялар асри. Ҳозирги фан-техника тараққиёти шароитида иқтисодиёт фани жамиятда бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Иқтисодий асослаб берилган ҳисоб-китоб ва башоратлар “Иқтисодиёт” фанининг муҳим таркибий қисми сифатида – корхона (фирма)лар фаолиятида таваккалчилик (риск) даражасини камайтиришга, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиришга ҳамда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда энг мақбул йўллارни танлашга имконият туғдиради.

Тежамкорлик ҳозирги замон талаби. Шунинг учун ҳам тежамкорлик ва самарадорлик тамойилининг моҳияти – моддий ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энг кам харажатлар билан энг кўп натижаларга эришиш, ишлаб чиқариш захираларидан тўлиқ фойдаланишда ифодаланади. Корхоналарда бу тамойилнинг амал қилиши – корхона раҳбари ва барча ходимлар (биринчи ўринда хом ашё ва материаллардан тайёр масулот яратувчи ишчилар)нинг меҳнат қоидасига риоя этишига боғлиқ. ”Самарадорлик – жамиятнинг барча аъзолари томонидан олинадиган сифатли ресурслар тақсимотининг умумий харажатларни максималлаштиришга йўналтирилганлиги”.

Фойдали қазилмаларнинг табиатдаги миқдори, фойдаланишдаги мақсадига кўра маъданли ва номаъдан фойдали қазилмаларга бўлинади. Суюқ ва газсимон фойдали қазилмалар алоҳида гуруҳни ташкил этади.

---

<sup>4</sup> Йўлдошев Қ., Муфтайтинов Қ. Иқтисодий билим асослар: Ўқитувчилар учун қўлланма./ (Масъул муҳаррир: А.Сотволдиев). –Т.: Ўқитувчи, 1997, 14-15 бетлар.

Конларнинг геологик ўрганилиш даражаси, геологик тузилмалари, фойдали қазилмалари таркиби ва хоссаларини ўрганиш даражаси, тоғ ишлари миқдори ва характери ҳамда ишлаб чиқариш технологиясига қараб, кон захиралари 4 тоифага бўлинади. Булар: А, В, СL, С2. А тоифага фойдали қазилмаларнинг турлари ва технологик хоссалари ўрганилган захиралари киради. Фойдали қазилмаларнинг В тоифадаги захиралари руда жисмларининг ётиши ҳоллари, табиий турлари ва саноат навлари аниқланиб ҳисобланади. Бундай захиралар қидириб топилган ва чегараланган бўлади. С1 категорияга киритилган фойдали қазилмалар захиралари конларнинг алоҳида участкаларидан олинган технологик намуналарни ўрганиш асосида аниқланади, аммо рудаларнинг хиллари, сифати ва технологик характеристикаси аниқланмаган бўлади.

## **2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётида тўтган ўрни**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта куриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол

мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охириги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича банк тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;
- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар



хукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;

- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қонуний жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали улар бугунги кунда иқтисодиётнинг етакчи бўғинига айланиб улгурди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши, уларнинг мамлакат ялпи миллий маҳсулот таркибидаги улуши тобора ўсиб бормоқда (**1-жадвал**).

**1-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикаси ЯИМ таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши**

(% ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й
<b>Республика бўйича ЯИМ</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	62,3	64,5	62,4	63,0	63,6	64,1	64,1
<b>Шунингдек, ҳудудлар бўйича ЯИМ таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши</b>							
Қорақалпоғистон Республикаси	63,6	66,0	63,6	64,0	64,5	64,6	57,0
Андижон вилояти	54,7	56,3	57,0	57,5	59,4	61,4	66,0
Бухоро вилояти	52,5	54,0	54,6	55,8	56,1	56,5	56,9
Жиззах вилояти	77,3	79,8	79,2	79,9	79,9	80,1	80,3
Қашқадарё вилояти	55,0	56,2	51,4	51,4	51,5	51,6	51,7
Навоий вилояти	34,4	35,9	35,7	36,1	36,9	37,1	37,6

Наманган вилояти	76,0	78,7	78,4	79,5	79,7	80,2	80,3
Самарқанд вилояти	73,6	76,2	75,9	77,1	77,4	77,9	78,0
Сурхондарё вилояти	71,7	73,8	73,7	74,1	74,5	75,2	75,3
Сирдарё вилояти	77,4	79,8	66,7	67,3	67,7	68,5	68,7
Тошкент вилояти	54,7	57,2	54,6	55,3	56,2	56,7	57,1
Фарғона вилояти	54,7	57,2	54,6	55,3	56,2	56,7	57,1
Хоразм вилояти	71,8	74,1	73,5	73,8	73,9	74,1	74,2
Тошкент шаҳри	54,7	57,2	54,6	55,3	56,2	56,7	57,1

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, мамлакат ялпи ички маҳсулотлари таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 2016 йилда 2010 йилга нисбатан 1,8 фоизга ошган бўлиб, мос равишда 2010 йилда 62,3 фоизни, 2016 йилга келиб 64,1 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларни ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ялпи ҳудудий маҳсулотлар таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши Наманган вилоятида (2010 йилда 76,0 фоиз, 2016 йилда 80,3 фоиз) ҳамда Жиззах вилоятида (2010 йилда 77,3 фоиз, 2016 йилда 80,3 фоиз) юқори улушга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Бу ерда энг паст кўрсаткич Навоий вилоятига тўғри келмоқда (2010 йилда 34,4 фоиз, 2016 йилда 37,6 фоиз).

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

### **3. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг стратегияси**

Курс ишини ёзиш давомида “Бархатная бумага” МЧЖнинг фаолиятини ўрганиб чиқдим. “Бархатная бумага” МЧЖ корхонаси 2015 йилдан бошлаб ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Ушбу корхона ўз олдига қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш билан шуғулланиб келмоқда. Корхона илк даврларда 2 хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. 2016 йилдан бошлаб инновацион технологиялар ва техникаларни қўллаб ишлаб чиқариш доирасини кенгайтирди ва ҳозирги кунда 6 хил турдаги маҳсулотни ишлаб чиқармоқда.

Капитал қийматини оширишдан иборат пировард мақсадга эга бўлган ҳар қандай корхонанинг хўжалик фаолияти муайян режа ёки стратегияга бўйсундирилиши керак. Бу уларнинг ишлаб чиқариш стратегиясини мукамаллаштиришга имкон туғдиради.

Стратегия деганда, фирманинг асосий узоқ муддатли мақсад ва вазифаларини ифодалаш, фаолият ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ресурслар тақсимотининг кетма-кетлигини келишиб олиш тушунилади.

Стратегиянинг маҳсулот борасидаги йўналишларида етакчи ролни инновация фаолиятининг мақсадларини, уларга эришиш воситалари ва ушбу воситаларни олиш манбаларини танлашни ифодаловчи инновацион, ёки технологик стратегия бажаради. Инновацион стратегия технологик имкониятлар (ташқи ва ички), бозор мақсадлари, шунингдек фирма рақобатли позицияларининг функциялари ҳисобланади.

Умумташкилий стратегияни ифодалашда фирма раҳбарияти у фаолият кўрсатадиган муайян иқтисодий шароитларни имкон қадар ҳисобга олишга интилади.

Барча илмий-техникавий дастурларни шартли равишда ўзлаштирилган маҳсулот номлари (номенклатураси) ҳамда жорий этилган технологик

жараёнлар, шунингдек янги маҳсулот ва жараёнлар бўйича дастурларга ажратиш мумкин.

ИТТКИнинг моддий-молиявий ва инсон ресурсларининг кўпроқ қисмини жалб этувчи маҳсулот номлари (номенклатураси) бўйича дастурлар маҳсулотларнинг сифат хусусиятларини (албатта, иқтисодий мақсадга мувофиқлик талаб этаётган доирада) такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш технологияларини яхшилаш ва харажатларни камайтириш имкониятларини кидиришга, ишлаб чиқилган техник янгиликларни қўллашнинг янги соҳаларини кидириб топишга қаратилган бўлади. Одатда улар ўзига хос мудофаа инновацион стратегияларини амалга оширади.

Жорий этилган технологик жараёнлар бўйича дастурларнинг вазифаси — бизнес соҳасида янги маҳсулотлар яратиш, ё ўзлаштирилган, ё компания учун янгиларини яратиш (бу ҳол корпорацияни ривожлантиришнинг истиқболли, ва аввало диверсификация режалари билан боғлиқ бўлади). Янгиликларни фаол ишлаб чиқиш хужумкор инновацион стратегия доирасида амалга оширилади.

Синфлар ичида стратегияларнинг бир қанча типлари (вариантлари) ажратилади: мудофаа стратегиялари — бевосита ҳимоя, имитация, кутиш, чора кўриш; хужумкор стратегиялар — фаол ИТТКИлар стратегиялари, қўшилишлар ва эгаллашлар маркетингига мўлжал олиш.

У ёки бу стратегияни амалда қўллаш кўплаб ички ва ташқи ҳолатларга, фирманинг муайян маҳсулотлар ва бозорлар, маҳсулот ҳаётий циклининг босқичлари, рақобатчиларнинг ҳаракатлари кабилар хусусидаги мақсадларга боғлиқ.

Мудофаа стратегияларининг барча типлари — (истеъмолчиларнинг сўровларига бевосита жавоб бериш бундан мустасно) — бу аслида рақобатчиларнинг ҳаракатларига жавоб реакцияси бўлиб, билвосита, яъни ушбу ҳаракатлар орқалигина истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан жавобдир.

Хужумкор стратегиялар бир қатор умумий жиҳатларга эга: ИТТКИга йирик инвестициялар киритишни талаб қиладилар ва шу боис уларни асосан молиявий аҳволи кучли бўлган, юксак малакали бошқарув ва илмий-техник ходимларга эга бўлган етакчи монополист бирлашмаларгина қўллай оладилар.

Хужумкор стратегия нафақат ички ИТТКИ эвазига, балки бошқа фирмалар билан қўшилиш ҳамда уларни сотиб олиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Энди инновацион стратегиянинг шаклланиш имкониятларини кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай фирманинг инновацион стратегияси икки таркибий қисм билан, яъни фирма эга бўлган ресурсларнинг ҳажми ва хусусияти билан, шунингдек бозордаги мавқелари ва ижтимоий стратегияси билан белгиланади. Артур Д. Литтлнинг маслаҳат компанияси инновацион стратегия методикасини ишлаб чиқди (2.6-расм).

Ушбу методикага кўра инновацион фаолиятнинг мақсадларини, уларга эришиш воситаларининг ва ушбу воситаларни олиш манбаларининг танланишини белгиловчи инновацион ёки технологик стратегия фирманинг технологик имкониятлари (ташқи ва ички), бозордан кўзлаган мақсадлари ва рақобатчи позицияларининг функцияларидир. Биринчи ўзгарувчи ички параметрлар — фирма тўплаган илмий-техникавий салоҳият (ноу-хау, патентлар портфели, инсон ресурслари, тадқиқот ускуналари) ҳамда ташқи кўрсаткичлар — лицензия олишда қийинчиликларнинг йўқлиги, тадқиқот ўтказувчи ташкилотлар, мижозлар, хомашё етказиб берувчилар билан муносабатлар, шунингдек фан ютуқлари ишлатиладиган таркибий қисмлардан келиб чиқади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ободонлаштириш ишларини ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарлаштиришга эътибор катта. Шу жумладан ободонлаштириш департаментларини ҳам кенг қамровда янада фаолиятини ривожлантириш ва

инновацион техника ва технологиялар билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. **2-жадвал.**

**2-жадвал.**

**“Бархатная бумага” МЧЖда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари  
(блок, пачка ҳисобида)**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2017 йилда 2015 йилга нисбатан	
		2015	2016	2017	+/-	%
1.	Туалетная бумага (блок)	91323	95112	96014	4691	105,1
2.	Картон қоғоз (пачка)	1021	1423	1982	961	2 баробар
3.	Оқ вароқ (1 блок 10 пачка)	-	378	450	450	100,0
4.	Қоғоз пакет (1 блок 100 дона)	-	1180	1621	1621	100,0
<b>Жами:</b>		<b>92344</b>	<b>98093</b>	<b>100067</b>	<b>7723</b>	<b>108,3</b>

*Жадвал “Бархатная бумага” МЧЖнинг маълумотлари асосида тузилди*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилда 2015 йилга нисбатан туалетная бумага ишлаб чиқариш 4691 блокга кўпайган бўлиб, 105,1 фоиз ўсган. 2017 йилда 2015 йилга нисбатан картон қоғоз ишлаб чиқариш 961 пачкага кўпайган бўлиб, 194,1 фоиз, яъни 2 баробар ўсиш кўзатишган. Корхона инновацион техника ва технологияларни қўллаб, ўз ишлаб чиқариш доирасини кенгайтиргач 2016-2017 йилларда оқ вароқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 450 блок ҳамда 2016-2017 йилларда қоғоз пакетларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 1621 блок маҳсулот ишлаб чиқарди.

#### 4. “Бархатная бумага” МЧЖда хизмат кўрсатишни инновацион усуллари

Кундалик амалиётимизда янгиликлар, новация, янгиликларни киритиш, инновация каби тушунчалар қўлланилади. Бугунги корхоналар инновацион фаолиятини янада аниқроқ тушуниш учун бу тушунчалар мазмунидаги тафовутларни фарқлаш мақсадга мувофиқ. “Янгиликларни киритиш” тушунчаси инглизча innovation сўзининг таржима вариантыдир. Инглиз тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда “новацияларни киритиш” оддий қилиб айтганда, “янгиликларни киритиш”ни билдиради. Янгиликлар деганда янги тартиб, янги одат, кашфиёт ёки қандайдир янги ходиса кўзда тутилади. “Янгиликларни киритиш”, янада аниқроғи, “янги нарсани киритиш” ибораси янгиликлардан фойдаланиш жараёнини англатади. Шундай қилиб, янгиликларни тарқатиш учун қабул қилинган пайтдан бошлаб, у инновацияга айланиб, янги сифат касб этади.

“Иқтисодиёт ва молия” электрон луғатида қайд этилишича, “инновация – бу фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш ёки бошқариш соҳасида киритилган янгиликлардир. Инновация – инновацион фаолият пировард натижаси бўлиб, қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- бозорда сотиладиган янги ёки такомиллашган маҳсулот;
- амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён”.

Шунингдек, машҳур австриялик иқтисодчи олим И.Шумпетер инновацияларни тавсифловчи бешта ўзига хос ўзгаришларни келтиради:

- янги техника, янги технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришнинг янгича бозор таъминотидан фойдаланиш;
- янги истеъмол хоссаларига эга бўлган маҳсулотларни хўжалик оборотига киритиш;

- пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган ишлаб чиқариш жараёнида янги турдаги хом ашёдан фойдаланиш;
- корхонани бошқариш таркиби ва уни моддий-техник таъминлаш тизимини ташкил қилишдаги ўзгаришлар;
- мазкур инновация пировард маҳсулотлари учун янги сотиш бозорларининг пайдо бўлиши.

“Бархатная бумага” МЧЖнинг инновацияон фаолияти ривожланган мамлакатлар фаолиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Аммо, бугунги кунда кўпгина техник воситаларини мамлакатимиз ҳудудига киритишнинг молиявий жиҳатдан қимматлиги муаммоси мавжуд. Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, янги очилган ёки молиявий жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз томонидан кўпгина амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, янги очилган корхоналарга кам фоиз миқдорида узоқ йилларга кредитлар ажратиб берилмоқда, лизинг компаниялар томонидан чет эл техника ва технологияларини ўзлаштиришга кўмаклашиш ишлари кенг йўлга қўйилмоқда, республикамизнинг айрим ҳудудларида корхоналарни очиш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида солиқ имтиёзлари берилмоқда, хорижий мамлакатлар билан кенг қамровда ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда ва хорижий мамлакатларга миллий маҳсулотимиз экспортини йўлга қўйишга эътибор қаратилмоқда.

Тажриба кўрсатмоқдаки, ривожланган мамлакатларда иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш орқали мамлакат ресурслар захирасидан фойдаланишни тежаш имкониятини йўлга қўйган. Ҳозирда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда, аммо бу йўналишда бир қанча камчиликларимиз ҳам мавжуд.

“Бархатная бумага” МЧЖнинг бугунги кунда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган, уларни таъмирлаш ва техник кўриқдан ўтказиш вақтлари белгилаб олинган ҳамда корхонада техник ходимлари мавжуд. Корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 15-20 фоиз



миқдори корхонага тегишли бўлган савдо дўконларида сотилади. Корхонада электр энергия сарфини тежаш мақсадида замонавий кам энергияни срафловчи ёруғлик воситалари ва техникалардан фойдаланилмоқда.

“Бархатная бумага” МЧЖда 2017 йил ҳолатига 7 нафар бошқарув ходим яъни, корхона раҳбари, корхона раҳбарининг ўринбосари, бухгалтер, иқтисодчи, маркетинг, бош инженер, ёрдамчи ходимлар ва ишлаб чиқаришга жалб этилган ходимлар (30 киши)дан иборат. Корхонанинг асосий фондларининг таҳлилини **3-жадвал** маълумотларидан кўришимиз мумкин.

### 3-жадвал.

#### “Бархатная бумага” МЧЖ корхонаси асосий воситалари

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2017 йилда 2015 йилга нисбатан	
		2015	2016	2017	+/-	%
1.	Бинолар	1976231248	2145137291	2346781982	370550734	118,7
2.	Техник воситалар	1694023467	2502379103	2607028703	913005236	1,5 марта
3.	Ишчиларни иш куруллари билан таъминланганлиги	37457910	42734059	44279021	6821111	118,2
<b>Жами:</b>		<b>3707712625</b>	<b>4690250453</b>	<b>4998089706</b>	<b>1290377081</b>	<b>134,8</b>

*Жадвал “Бархатная бумага” МЧЖнинг маълумотлари асосида тузилди*

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2017 йилда 2015 йилга нисбатан бинолар қиймати 370550734 сўм, 118,7 фоизга, техник воситалар 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 913005236 сўм, 1,5 марта, Ишчиларни иш куруллари билан таъминланганлиги 6821111 сўм, 118,2 фоизни ташкил этган. Жами 2017 йилда 2015 йилга нисбатан корхона асосий фондларининг қиймати 1290377081 сўмга кўпайган бўлиб, 134,8 фоиз ўсиш кўзатишган.

“Бархатная бумага” МЧЖ ўз олдида кўшни давлатларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштирган. Ҳозирги кунда

мамлакатимиз ҳудуди бўйича барча вилоятларда корхона ўз маҳсулотларини савдо дўконларида сотиб келмоқда. 2018 йилнинг 2-чорагидан бошлаб корхона ўз маҳсулотини Тожикистон Республикасига экспорт қилишни йўлга қўйди. Бу ўз навбатида мамлакатимизга чет эл валюта оқимини янада кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Корхона учун ўз маҳсулотини чет элга сотиш, корхона ҳисобида валюта бўлишини таъминлаб беради. Ҳозирги кунда корхона ўз валютаси эвазига корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган қоғоз маҳсулотлари миқдорини янада кўпайтириш, корхонани кенгайтириш ва янада замонавий техника воситаларини олиб келишни мақсад қилиб қўйган.

Ҳозирги кунда корхона томонидан рангли қоғозлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ушбу қоғозлар мактаб ўқувчилари учун ёки турли хил маҳсулотларни қадоклаш мақсадида буюртма асосида ишлаб чиқарилмоқда.

**1-расм.**



**“Бархатная бумага” МЧЖ корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган  
рангли қоғозлар турлари**

Бундан ташқари корхонада 2018 йилдан бошлаб деворларни ўраш лентали қоғозларни (Обои) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда ушбу қоғозлар турли хил расмларда ва ҳажмларда ишлаб чиқарилмоқда.

**2-расм.**



**“Бархатная бумага” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарилган девор қоғозлари (Обои)**

Юқоридаги 2-расмда келтирилган девор қоғозларининг 13 хил тури ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ушбу турдаги қоғозлар ишлаб чиқариш турларини янада оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

##### **5. Саноат ишлаб чиқаришида чиқиндисиз ишлаб чиқаришнинг иқтисодий аҳамияти ва асосий йўналишлари**

Чиқиндисиз ишлаб чиқариш тушунчаси хўжалик фаолияти учун ( саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар ) шартли бўлиб, бу жараёнда табиат учун зарарли бўлган чиқиндилар ҳосил бўлмаслиги ва атроф – муҳитга

зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги керак. У“ ишлаб чиқариш–истеъмол ” ёпиқ тизимини барпо этиш мақсадини амалга оширишга қаратилган. Лекин мутлоқ чиқиндисиз ёпиқ тизимни яратиб бўлмайди. Амалда ҳар қандай ишлаб чиқариш турли шакл, миқдор ва даражада чиқиндили бўлади.

Чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш – чиқиндилар муаммоси ечимини асосий йўналашидир. Уни ишлаб чиқариш, истеъмол, атроф – мухит ўртасидаги ўзаро алоқалар нуқтаи назаридан қуйдагича кўрсатиш мумкин:

1. Тикланадиган табиий ресурслар.
2. Тикланмайдиган табиий ресурслар.
3. Истеъмол буюмлари.
4. Фойдаланиладиган чиқиндилар.
5. Фойдаланилмайдиган чиқиндилар.

Корхоналар даражасида чиқиндиларнинг миқдор кўрсаткичлари улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар умумий миқдорининг (хажмининг) олинаётган материалларга (хомашёга) нисбати орқали аниқланади. Чиқиндилар миқдори қанча кам бўлса, ушбу нисбат шунча юқори бўлади, атроф – мухит шунч кам ифлосланади.

Табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш ва атроф – мухитни муҳофаза қилишнинг асосий йўналиши кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни ишлаб чиқариш ва ундан унумли фойдаланиш ҳисобланади.

Кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологик жараёнлар йўналишини бузмасдан ишлаши керак.

Кам чиқиндили ва ресурсларни тежовчи технологияларни ташкил этишнинг асосий йўналишларига қуйдагилар киради:

- барча ишлаб чиқариш жараёнлари энг кам технологик босқичларда амалга оширилиши керак, чунки уларнинг ҳар бирида чиқиндилар ҳосил бўлади ва хомашё исроф бўлади;

- технология жараёнлар узлуксиз бўлиши керак. Бу эса хомашё ва энергиядан энг самарали фойдаланишга имкон беради;

- ҳар бир технологик жихозни қуввати оптимал бўлиши керак. Бу энг кўп фойдали ҳаракат ва энг кам исрофгарчилик коэффицентига мос келади;

- янги технологик жихозларни ишлаб чиқишда компьютер техникасига асосланган ва зарарли моддаларни энг кам чиқарадиган оптимал технологик жараёнларни таъминлайдиган автоматик тизимлардан кенг фойдаланишни назарда тутиши керак;

- турли технологик жараёнларда ажралиб чиқадиган иссиқликдан оқилона фойдаланиш ва шу асосда энергия ресурслари ва хомашёни тежаш ва атроф – муҳитга иссиқлик орқали зарарли таъсирни камайтириш.

Ушбу тафсияларга асосланиб, табиатга зарар етказадиган саноат тармоқлари учун кам чиқиндиларни технологияни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш мумкин. Масалан, энергетик қаттиқ ёқилғи ёқишнинг янги усуллари (масалан, қайнаб турган қатламда), шунингдек, зарарли моддаларни кам чиқарадиган жихозлардан (масалан, шундай горелкаларни) кенг фойдаланиш лозим. Булар ҳавога чиқарилаётган газлардаги зарарли моддаларни камайтиришга имкон беради. Шунингдек, бу тадбирларга яна қуйдагилар киради: ушбу газларни чанг, олтингугурт ва азот оксидларидан тозалашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш; ҳосил бўлган кул ва шлаклардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва бошқалар.

Маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хомашё ҳисобланган иккимланчи ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги давлат стратегиясини белгилашда уларнинг иқтисодий баҳолаш муҳим аҳамиятига эга бўлган йўналишлар қаторига киради. Инсон ўзининг хилма – хил эҳтиёжларини таъминлаш жараёнида ҳосил бўладиган турли чиқиндиларни ўз вақтида зарарсизлантирилмаса ва ресурс сифатида қайта ишланмаса, табиий муҳитга тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши ва оғир экологик иқтисодий вазият пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари чиқиндиларни қайта ишлаш, зарарсизлантиришнинг катта экологик – иқтисодий самара еришини амалда

исботлади. Кўпчилик мамлакатларда биотермик аэроб компостирлаш технологияси бўйича чиқиндиларни қайта ишловчи заводлар ишлаб турибди. Уларда чиқиндилар зарарсизлантиради ва қимматли органик ўғитга ( компост ) ёки иссиқхоналар учун ёқилғига айлантирилади. Бундан ташқари, чиқиндилардан саноатда иккиламчи ресурс сифатида фойданиладиган компонентлар ажратиб олинади. Бу заводлар технологик ва конструктив схемаларнинг хилма – хиллиги билан бир қаторда чиқиндиларни зарарсизлантириш циклини уч асосий операция орқали амалга оширадиган жихозларга эга. Булар чиқиндиларни қабул қилиш ва дастлабки тайёрлаш учун жихозлар, биотермик аэроб компостирлаш учун жихозлар, компостирларга тўла ишлов берадиган ва омборга жойлаштириш жихозларидан иборадир. Бундан ташқари мажмуавий заводларда чиқиндиларнинг дастлабки ва тамомила қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган компостирланмайдиган фракцияларини ёқиш ёки пиролиз ( юқор хароратда термик ишлов бериш ) қилиш ҳам назарда тутилган.

## Хулоса ва таклифлар

Инновация ютуқларининг иқтисодий натижалари ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурсларни, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнатни тежашни, киши бошига меҳнат унумдорлигининг ошиб боришини, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан ифлосланиш даражасини камайтиришни таъминлашда, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳада банд бўлганларнинг иш ҳақи ва даромадларининг ўсиб бориши, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошиб бориши ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожланиб боришида ифодаланади.

Инновацион бошқарув ҳўжалик юритишнинг алоҳида ижодкорликни талаб этадиган жараён бўлиб, унинг асосида янги имкониятларни мунтазам излаш, инновацияга йўналтирилганлик, турли-туман манбалардан доимий масалаларни ҳал этиш учун ресурслар излашни уддалаш ва улардан фойдаланиш демакдир.

Давлат инновацион сиёсатининг мақсади мамлакатнинг миллий инновацион тизимини шакллантириш, танлаб олинган ривожланиш стратегиясига мувофиқ унинг иқтисодий ривожланишини таъминловчи аниқ тадбир ва механизмлар яратиш, устуворликлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Мустақилликнинг қисқа даври ичида инновацияларнинг давлат ва хусусий секторларда жорий этилиши, мамлакатимиз ҳудудида чекланган ресурслардан самарали фойдаланишга, айниқаса уларни тежашга катта эътибор берилиши, ҳар бир корхонада инновацион сиёсатнинг вужудга келиши, инновациялардан фойдаланишда кадрларни қайта тайёрлашга қаратиладиган барча эътиборлар нафақат мамлакат, балки ҳар бир корхонанинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ресурслар мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Ресурслар эвазига корхоналарда моддий неъматлар яратилади. Инсониятнинг фаровон яшашини таъминлаш мақсадида унинг иқтимоий эҳтиёжларини

кондириб турувчи неъматларни яратиш учун сарфланадиган ресурслардан самарали фойдаланиш зарур.

Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш учун уларни замонавий инновацион технологиялар орқали ишлаб чиқаришни ҳамда хизмат кўрсатишни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланишда фан-техника тараққиётидан кенг фойдаланиш замон талабидир.

“Бархатная бумага” МЧЖ корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар республикамиз бозорларида катта талаб ва эҳтиёж уйғотмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ушбу қоғозлардан фойдаланиш кенг қамровда йўлга қўйилган, айниқса қурилиш ишларининг республикамиз ҳудудида кенг қамровда олиб борилаётгани, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган девор қоғозларига бўлган қизиқишни янада орттириб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

- Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш жараёнини электрон тизим орқали ташкил этиш;
- Истеъмолчиларга корхонанинг маҳсулотини кенгроқ таништириш;
- Маҳсулотни сотиш мақсадида турли хил чегирмали акцияларни йўлга қўйиш, бу ўз навбатида мижозлар сонини оширишга имкон яратади;
- Улгуржи харидорларга харид қилинган маҳсулотларни манзилларигача етказиб беришни йўлга қўйиш.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида *Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)*
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида “2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли қарори.
4. Э.Шавқиев, У.Нормуродов, З.Артиков, А.Хазратов “Корхона иқтисодиёти” фанидан маърузалар курси I-II-қисм. Самарқанд – 2016 йил.
5. “Бархатная бумага” МЧЖнинг маълумотлари 2015-2017 йиллар.

## Интернет сайтлар

1. <http://samarkand.uz>
2. <http://ziyonet.uz/>
3. <http://www.lex.uz/>
4. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
5. [www.samstat.uz](http://www.samstat.uz)